

УДК. 619.618.177.085: 636. 22/28.

Қўлдошев О.У., Исаев М.Т., Очилов Ж.Н.,
Ҳамроқулов Н.Ш., Салоҳиддинова Н.С.,
Ветеринария илмий тадқиқот институти

СИГИРЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИГА ВА ЖИНСИЙ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ПЛАЦЕНТИН ПРЕПАРАТИНИ Қўллаш

Аннотация

В статье приводятся результаты исследований по изучению эффективности препарата плацентина профилактика послеродовых болезней и лечение субинволюция матки, эндометритов а также совершенствование способов стимулирования воспроизводительной функции у коров.

Калит сўзлар: Бачадон, плацентин препарати, репродукция, субинволюция, ўткир ва сурункали эндометритлар, қисир қолиш, гинекология, йўлдош, гормон, Ихтиол, биостимулган.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президент-и Шавкат Мирзиёевнинг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сон қарори ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини, айниқса чор-вачиликни жадал ривожлантириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ветеринария хизматларини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Хукуматимиз томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам ва берилаётган имтиёзлар туфайли чорвачилик сон ва миқдор жиҳатдан жадал ривожланаётган бўлса-да, ҳайвонларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Бунинг сабабларини излаб топиш, камчиликларни бартараф этиш орқали соғлом ва маҳсулдор қорамоллар подасини яратиш ветеринария ходимлари олдида турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳайвонларнинг қисир қолишига ва бош сонини кўпайишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бу туққандан кейинги патологик жараён ҳисобланади. Туққандан кейинги асосий патологик ҳолатлардан бири бу сигирларда бачадон субинволюцияси ҳисобланади. Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, бачадон субинволюцияси билан туққан сигирларнинг 70-80 % касалланади, бу, ўз навбатида, хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказиши мумкин. Шунга асосланган ҳолда туққандан кейинги патологик жараёнларни олдини олишда самарали ва табиий тоза воситаларни яратиш долзарб муаммолардан биридир.

Охирги йилларда бу муаммоларни ечимини топишда биологик хужайра препаратларидан плацентин кенг қўламда қўлланилмоқда. Плацента

Annotation

The article presents the results of studies on the effectiveness of Placentin, the prevention of postpartum diseases and the treatment of subinvolution of the uterus, endometritis, as well as the improvement of methods for stimulating the reproductive function in cows.

препарати ўзида кўп миқдорда биологик фаол моддалардан оксиллар, липидлар, ферментлар, гликопротеидлар, гармонлар, витаминлар ҳамда бундан ташқари гонотропин ва лактоген пептидларни сақлаши ҳам аниқланган. Ҳайвонлар ва одамлар йўлдошидан физикавий ҳамда кимёвий йўллар билан юқори сифатли қилиб тайёрланган плацентин препарати ҳомилани ўраб турган тўқима ва хужайраларга таъсир этиш натижасида кўпгина биологик фаол моддалар алмашинувини кучайтиради.

Текшириш услуби ва натижалари. Тадқиқот жараёнида плацентин препарати биологик фаоллигини ўрганишни мақсад қилиб олдик. Плацентин препарати аёлларнинг йўлдошидан янги услубларни қўллаб тайёрладик. Препаратни тайёрлашда таркибини ўзгартирмасдан, аммо унинг таркибида бўлган биологик фаол моддалар, буларга прогестерон 3,0 нг / мл, эстрадиол – 17 – 105 нг/мл, тестостерон 2,3 нг/мл миқдорда сақланишини бузмасдан тайёрланади (К.А.Лободин, 2002)

Таркиби биологик моддаларга бой бўлган, юқори самарага эга бўлган плацентин препарати биостимуляторлик фаоллигини ўрганиш мақсадида бўғоз ва туққан сигирларда бачадонни инволюцион жараёни кечишини яхшилаш ҳамда бачадон касалликларида синовдан ўтказилди.

Плацентин препарати сигирлар туққандан кейинги касалликлардан профилактика қилиш самарасини ўрганиш мақсадида 57 бош бўғоз сигирларда олиб борилди. Тажрибада бўлган сигирларда плацентин препарати юбориш миқдори ҳам ўрганилди.

Тажриба учун ажратилган 57 бош бўғоз сигирлар 5 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга бўлган сигирларга плацентин препарати 20 мл дан мускул орасига 4 марта, 50-60, 20-30, 10-15 кун туғишига қолганда ва туққан қуни юборилди. Иккинчи гуруҳ сигирларга 3 марта 20-30, 10-15 кун туғишига

қолганда ва туққан кун, учунчи гуруҳга 2 марта туғишига 10-15 кун қолганида ва туққан кун, тўртинчи гуруҳ қўлланмасига асосан 2 марта туққан кун ва туққандан кейин 72 соатдан сўнг, бешинчи гуруҳга (назорат) тривит 10 мл миқдорда 4 марта туғишга 50-60, 20-30, 10-15 ва 4-5 кун қолганда юборилди. Жадвал 1.

1-жадвал

Плацентин препаратини сизирлар туққандан кейинги касалликларнинг олдини олишдаги самараси

Т/р	Гуруҳлар	Препаратларни қўллаш схемаси	Хайвонлар бош сони	Шундан туққандан кейинги касалланганлари	
				бош сони	% ҳисобда
1	Биринчи	Плацентин препарати қўлланили 4 марта	12	5	41,7
2	Иккинчи	Плацентин препарати 3 марта қўлланилди	9	4	44,4
3	Учунчи	Плацентин препарати 2 марта қўлланилди	12	3	25,0
4	Тўртинчи	Плацентин препарати қўлланмасига асосан қўлланилди	12	6	50,0
5	Бешинчи	Тривит 4 марта қўлланилган	12	7	58,3

Клиник текширишлар шуни кўрсатдики, плацентин препарати қўлланилгандан сўнг сизирларда туққандан кейинги касалликка чалиниши 1,14-1,91 мартага камайганлиги аниқланди.

Касалликка учрагани, яъни бачадонда функционал ўзгариш ва яллиғланиш жараёни кузатилди. Плацентин препаратини қўллаш қўлланмасида кўрсатилган миқдорда туққан кун ва туққандан

кейин 72 соатдан кейин қўлланилганида туққандан кейинги касалликларни олдини олишда яхши фойда бермаслигини кўрсатиб касалланиш 50,0 % ташкил этади.

Препаратни қўллашда юқори самара ва кам харажат 2 марта қўллашда эришилиб, бунда яъни сизирлар туғишига 2 ҳафта қолганда ва туққан кунда қўлланилганда эришилди. Сизирларни туққандан кейинги касалланиши 25,0 % га ёки 2,4 мартага камайди. Бизнинг фикримизча, плацентин препарати биологик фаол моддаларга бойлиги сабабли фармокологик томондан таъсир доираси хилма-хил бўлиб, туғишдан олдин қўлланилганда бўғозликнинг охири кунларида сизир организмда ва қонида биологик моддалар алмашинуви яхшилайди. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, туғишга яқин қолган сизирлар организмда моддалар алмашинуви жадал кечиши натижасида ҳосил бўладиган захарли моддаларни зарарсизлантиришда органлар фаолиятини кучайтириб, туғиш жараёни енгил кечишини таъминлаб туққандан кейинги касалликларни олдини олади.

Тўқ бўғоз сизирларга биостимуляторларни қўллаш организмда гемопоэзис ва туққандан кейинги фаолиятини яхшилайди. Плацентин препаратини 2 марта тўқ бўғоз сизирларга юборилиб кўпайиш органларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-амалий тажрибалар олиб борилади. Тажрибада бўлган 1-чи гуруҳ сизирларга плацентин препарати 20 мл дан туғишига 15 кун қолганда ва туққан кун, 2-чи гуруҳ сизирларга 10 мл дан плацентин ва 10 мл дан тривит препаратлари юқорида кўрсатилган кунларда қўлланилади. Назоратда бўлган сизирларга препарат қўлланилмади. Тажрибалар қиш ойида сизирлар молхоналарда сақланган даврда қора – ола зотли, 6-10 ёшда бўлган, ўрта ва ўртадан юқори семизликда, тирик оғирлиги 400-600 кг, йиллик соғиб олинадиган сути 5,5 – 6 минг кг бўлган сизирларда олиб борилади. (жадвал -2).

2-жадвал

Плацентин препаратини сизирлар кўпайиш органларига таъсир этиши кўрсаткичи

Гуруҳлар	Сизирлар бош сони	Туққандан кейин касал бўлган сизирлар		Куйга келди		Оталанди		Оталаниш коэффициенти	Қисир бўлиб юрган қулар
		Бош	%	Бош	%	Бош	%		
1. Плацентин препарати 2 марта-кунора юборилди	16	7	43,7	14	87,5	9	64,2	1,55	45,1+2,30
2. Плацентин + тривит 2 марта-кунора юборилди	14	8	57,1	14	100	8	57,1	1,75	49,3+2,29
3. Назорат	13	10	76,9	11	84,6	4	36,3	2,75	55,8+2,30

Давоми кейинги сонда